Қарноқ қишлоғи Қаратовнинг жанубий этакларида суғорма деҳқончилик учун қулай жойда жойлашган бўлиб, қадимдан араб халифалигининг ҳукмронлигигача бўлган тарихий даврда шакллана бошлаган. Қишлоқ аҳли орасида маълум бўлган ривоятларга қараганда бу ерда кишиларнинг ўтроқ ҳаётга ўтиши араб халифалигининг Мовароуннаҳрда дастлабки ҳукмронлик йиллари билан боғлиқ бўлиб, қишлоқда жойлашган авлиё имом Боҳилий мозори бунга мисол бўлади деб билишади.

XIX асрнинг охирларида Қарноқ қишлоғида 423 хўжалик яъни 2000 аҳоли истиқомат қилган деб маълумот беради Г.А.Арандаренко (Арандаренко: 1889. 145). Бу даврда Қарноқ қишлоғи Туркистон генерал-губернаторлигининг Чимкент уезди таркибига кирган. Аҳолиси қадимдан сунъий суғорма деҳқончилик билан шуғулланиб келган. Қарноқ қишлоғида ер ва сувдан фойдаланишнинг ўзига хос жамоавий тизими шаклланганлиги қадимий хўжалик-маданий анъаналар билан узвий боғлиқдир. Қишлоқнинг жамоа ерларини сув билан таъминлайдиган асосий манба Чоштепа тоғларидан бошланувчи Қорасув ва Кўлбош ариқларидир. Ўз навбатида Қорасув 25 қўшга* сув берувчи Маклик ариғига, 50 қўшга бўлинувчи Арғин (туркий этноним) ариқ ва 70 қўшга сув берувчи Қашқабоғ ариғларига бўлинган. Кўлбош ариғи эса 30 қўшни сув билан таъминловчи Қайнарбулоқ, яъни бошқа номи Қизилота ариғини сув билан таъминлаган. Шунингдек, Қайнарбулоқдан Бургам даштларини қисман суғоришда қарноқликлар ва ҳаттоки мусофирлар ҳам ер олиб ундан мавсумий экинлар экишда фойдаланганлар. Қарноқ қишлоғининг қуйи қисмидаги ерларни Шўрғом (баъзи ёзма манбаларда Булдуриқ) ва Чўрлиқ ариқлари орқали суғорилган. Чунки Қайнарбулоқ сойи (ариқ)нинг суви асосан эрта баҳор мавсумида Бургамдаги ерларни сув билан таъминлай олган (Арандаренко: 1889. 146). Аммо қарноқликлар ерга уч маротаба, кузги, баҳорги ва ёзги (саратон) мавсумларда ишлов берганлар. Бу каби агротехник ишлов ҳосилдорликни ошириш омили бўлиб хизмат қилган.

Албатта сунъий суғорма деҳқончилик воҳалари "этник мулоқот" минтақалари бўлиб, туркий халқларнинг кўпгина этник компонентлари турли тарихий даврларда қишлоқ ҳудудларида жойлаша бошлаганлар ва бунда аҳолининг ранг-баранг этник таркиби шаклланган.

Маҳаллий тарихчиларнинг берган маълумотларига қараганда Қарноқ қишлоғида қирқдан ортиқ катта-кичик уруғлар яшайди. Булар қуйидагилар: Толча авлоди, қорахонийлар авлоди, қозиҳийли авлоди, Сулаймон Боқирғонийнинг кейинги бўғин авлодларидан бири – авлиё Эр Муқим ота (шайхул машойих Муҳаммад-Муқим шайх) авлоди, Мўминхўжа авлоди, Югнакли (Жуйнакли) хўжалар, Қорачиқлик хўжалар, Мўминхўжа авлоди,

---

* Қўш – деҳқонларнинг ўзига хос жамоаси бўлиб, узоқ асрлар давомида суғорма деҳқончилик маданияти тараққиётида асосий рол ўйнаган ер-сув қўшничилик жамоаси Тошкент воҳасида т ў п, Фарғонада к е т м о н, Зарафшон водийсида қ ў ш, Хоразмда ж а б д и, Қашқадарё ва Сурхондарё ҳавзаларида эса п а й к а л деб аталган. Қаранг: Гулямов Я. Г. История орошения Хорезма с древнейщих время до наших дней.Ташкент, Из-во АН Уз ССР, 1957. – С. 253-264; Басов Д. Пайкалы Ширабадской долины // За реконструкцию сельского хозяйство. – Самарканд 1929. – №2 – С.117- 126; Полозов В.А. Полозов В.А. Узбекское общинное землепользование в Ширабадской долине и Каршинской степи УзССР // Народное хозяйство Средней Азии. – Ташкент: №7. 1925.– С.69-75.

Чиликлик хўжалар, Тўра хўжалар, Чумажа авлоди, Тўрва авлоди, Абдулазиз Табризий авлоди, Қатағон авлоди, Туркман авлоди, Озанбой авлоди, Хайитбой авлоди, Сувчи авлоди, Торик тешар авлоди, Бўрибой авлоди, Нур авлоди, Сартарош тўпи, Мулла Ҳамза авлоди, Тандирчи авлоди, Арғун авлоди, Тонгмат /гажир/ Баликбой, Тов тумалик орғинлар, Кулахмад Ғариб, Чўкморли авлоди, Қозоқбой Қурбонтойлар авлоди (тўлангитлар) каби уруғлар ҳақида маълумот берилган (Амиров: 107-111).

Қарноқ қишлоғи аҳолисининг миллий-этник таркибига эътибор берадиган бўлсак, хўжаларнинг тўплари ижтимоий гуруҳ сифатида салмоқли ўринни эгаллганлигини кўрамиз. Масалан, Сулаймон Боқирғонийнинг кейинги бўғин авлодларидан бири – авлиё Эр Муқим ота (шайхул машойих Муҳаммад-Муқим шайх) авлоди, Мўминхўжа авлоди, Югнакли (Жуйнакли) хўжалар, Қорачиқлик хўжалар, Чиликлик хўжалар, Тўра хўжалар, Чумажа авлоди каби хўжа тўпларини мисол келтиришимиз мумкин. Шунингдек, ўзбекларнинг фарғоналик, қашқарлик, бухоролик, чимкентлик, жамбуллик, туркистонлик, табризлик ҳамда Афғонистонлик ўзбеклар каби локал этнографик гуруҳлари ҳам борки, уларнинг илгари яшаган жойлари билан тарихан боғлиқлигини уруғ номларидан ҳам билиб олсак бўлади. Қайд этиб ўтилган уруғлар орасида арғин, турк, кенегас, тома, тўлангит каби қозоқ ва ўзбек халқлари таркибидаги этнографик гуруҳлар ўз этнонимларини сақлаб қолганлар. Шунингдек, нур авлоди, тонгмат, чўқморли авлоди, тўлангитларга кирувчи қозоқбой Қурбонтойлар авлоди ва қозоқларнинг тома уруғи билан бир томонлама боғлаган сартарош уруғлари мисолида Қарноқ қишлоғида қозоқ халқи таркибидаги этнографик гуруҳлар узоқ тарихий даврлар мобайнида яшаб келганлигини айтиш мумкин.

Қарноқ қишлоғида туркий халқлар – ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ халқлари таркибида кенг тарқалган этник компонентлардан бири – қатағонлар ўзига хос келиб чиқиш тарихини, маданий анъаналарини яхши сақлаб қолган уруғлардан бири саналади. Қарноқ қатағонлари *Бухорбий тўпи* ва *Бектемир тўпи* каби икки оила-қариндош гуруҳларига бўлинади (Азизов: 116; Амиров: 110). Қарноқ қатағонлари ҳақида маҳаллий тарихчиларнинг китобларида муҳим маълумотлар берилган. Уларнинг келиб чиқиши ҳақида аксарият қатағонларда бўлгани каби Афғонистон ўзбеклари билан боғлиқлиги борасидаги оғзаки тарих маълумотлари яхши сақланиб қолган.

Маълумки, қатағонлар умуман Ўрта Осиё ҳудудларида, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Афғонистон ҳудудларида яшайди. Қатағонларнинг келиб чиқиши махсус тадқиқот тарзида ўрганилмаган бўлса-да, улар ҳақида тарихий-этнографик ва баъзи илмий тақиқот ишларида у ёки бу даражада фикр билдирилган. Қатағонлар тўғрисида илк маълумотлар тарихий-этнографик асарлардан бири XIV асрларда яратилган Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадонийнинг «Жомъе-ут-таворих» китобида учрайди (Рашид-ад-дин: 1932). Кейинчалик Абулғозий Баҳодирхон, Муҳаммад Юсуф Мунший, Маҳмуд ибн Вали каби шарқ тарихчиларнинг асарларида кўплаб маълумотлар мавжуд (Абдулғозий: 1992. 45; Мухаммад Юсуф Мунши: 1956; Махмуд ибн Вали: 1977). Афғонистоннинг "Қатағонлар юрти" деб ном олган Балх вилоятида яшовчи қатағонлар ҳақида Бурхон-ид-динхон Кушкекининг, Зарафшон воҳаси қата-ғонлари ҳақида эса А.Д.Гребенкиннинг ва Ҳисор тоғи этакларидаги қатағонлар

ҳақида эса Н.А.Маевнинг 1872 ва 1878 йилларда ўтказилган Ҳисор экспедицияси натижасида ёзилган бир қанча очеркларида ҳам муҳим маълумотлар берилган (Бурхон-уд-Дин-хан-и-Кушкеки: 1926; Гребенкин: 1872; Маев: 1879).

Бевосита илмий тадқиқот ишларидан И.П. Магидович, Ч. Валиханов, Б.Х.Кармышева, С.С.Губаева каби муаллифлар асарларида уларнинг тарқалиши ва этник тарихи ҳақида қимматли фикрлар ва илмий хулосалар берилган (*Материалы по районированию Средней Азии* , ч. I–II, 1926; Валиханов: 1961; Кармышева: 1976. 238-246; Губаева: 1991).

Қатағонларнинг этник тарихи мураккаб бўлиб, Ўрта Осиёнинг бир қанча халқлари – қозоқ, қирғиз, қорақалпоқлар билан ҳам келиб чиқиши ва шаклланиши жиҳатидан яқин алоқада бўлган. Масалан, Ч.Ч. Валихонов қозоқ халқи афсоналарида келтирилган қозоқларнинг катта жузи ҳақида гапириб, уларнинг бир бўғини қатағонларни бош уруғи, иккинчисидан уйсунлар, учинчисидан қанғлилар тарқалган деб айтади ва айнан шу қатағонларни Дашти қипчоқ ўзбеклари таркибига ҳам киритади. Қатағонлар Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг жанубий қисмида яшовчи энг қадимги халқ ҳисобланади – деб ўз фикрини давом эттиради олим ва улар XVII аср бошларида Тошкент ҳукмдори Турсунхоннинг асосий таянч кучини ташкил қилганлигини ва XVII аср ўрталарида эса уларнинг бир қисми ўзбек халқи таркибига, яна бир қисми қозоқ қабиласи – чанишиклилар таркибига сингиб кетганлигини таъкидлайди (Валиханов: 1961).

И.П. Магидович эса қатағонларни қирғизларнинг баъзи бир гуруҳи билан қариндошлиги бор деб фикр билдиради. Қирғизлар таркибидаги қатағонларининг бир гуруҳи саёқлар тўғрисида И.П.Магидович шундай ёзади: Афғонистоннинг шимоли-шарқида яшовчи қирғизларнинг қатағон уруғи ўзини саёқларга мансуб деб ҳисоблайди. Агарда уларни афғон ва бухоро қатағонлари билан бевосита қариндошлигини аниқлай олсак, бу дегани уларни энг кўп сонли қадимги қавмлардан бири эканлиги тасдиқланади. Яъни, Хитойлардагимашҳур «се» номли, грек вафорсларда «сак» қабилаларикаби (*Материалы по районированию Средней Азии* , ч. I, 1926.).

Тарихий маълумотларга қараганда қатағонлар XVII асрнинг 40-йилларида Балхда ва қисман Қундузда жойлашган кучли ва беқарор қавмлардан бири бўлган. Бу қабила шимолий Афғонистонда яшовчи аймоқлар, ҳазарлар ва бошқалар билан бир қаторда эслатиб ўтилади (Кармышева: 1976. 240). Шимолий Афғонистон Аштархонийлар даврида қатағонларга улус сифатида берилган бўлиб, бу даврда улар сиёсий уюшма сифатида шакллана бошлаган эди. Айниқса, XVII аср бошларида Балх ва Бадахшон қатағон қабиласидан бўлган Махмудбий оталиқ даврида «қатағонлар юрти» деб ном олади. Демак, қатағонлар жуда кенг ҳудудда яъни Ўрта Осиё, Шимолий Афғонистон, Шарқий Туркистон ҳудудларида тарқалган ва кўп сонли туркий этник гуруҳлардан биридир.

Тарихий-этнографик тадқиқотларда қатағонлар Ўзбекистон ҳудудининг Хоразм, Тошкент, Бухоро, Зарафшон дарёсининг ўрта ва қуйи воҳалари ҳамда Қашқадарё ва Сурхон-Шеробод воҳаларида кенг тарқалганлиги таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, улар Афғонистоннинг шимолий қисми, Тожикистоннинг жанубий-ғарбий қисми, Қозоғистоннинг жанубий қисмида ҳам уларнинг кўплаб уруғлари тарқалганлиги ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган. Маълумки,

қатағонларнинг асосий қисми Жанубий Туркистонда, яъни ҳозирги Афғонистон ҳудуди, асосан Тошқўрғон ва Қундузда истиқомат қилишган. Бу ҳудуд ўрта аср манбаларида Қундуз, кейинчалик XVII-XVIII асрларда эса, Қатағонлар юрти, деб аталган (Кармышева: 1976.238).

Қатағонлар ҳақида илк манбалардан бири Рашидуддин Фазлуллоҳ Ҳамадонийнинг “Жомеъ-ат таворих” номли асари бўлиб, унда туркий қавмларга мансуб бўлган уруғ ва қабилалар ҳақида жуда муҳим этнографик маълумотлар сақланиб қолган. Рашидуддин китобнинг “Нерун” деб аталувчи иккинчи боби турк қабилаларига бағишланган. Бу бобда қатағонлар ҳақида маълумот бериб, шундай ёзади: “Бу қабила нерунлардан бўлиб, у Алан-Гоанинг Букун-Катаки деган катта ўғлидан тарқалгандир” (Рашид-ад-дин: 1952). Адабиётшунос олим Х.Дониёров: “Рашидиддин мўғулларни туркларнинг бир қисми деб тушунган” (Дониёров: 1968), – деб ёзади. Аммо Х.Дониёров қатағонларни: “Мўғуллар эмас, балки, мўғул деб аталган турк қабилалари бўлган, мўғуллар бўйсундиргандан кейин улар “мўғул” қабилалари номини олиб кетганлар”.

Хива хони Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” китобида ҳам Рашидуддин фикрларига ҳамоҳанг фикрларни учратиш мумкин. Абулғозихоннинг ёзишича: “Аланқуа уч эрам ўғул топди. Аввалғининг оти Букун Қатағон. Барча қатағон эли ани насли туррурлар. Бу уч ўғлондан бўлғон элларга барчасини Нерун дерлар” (Абулғозий: 1992, 45). Кўриниб турибдики, икки муаллиф асарида ҳам қатағонлар мўғулларга бориб тақаладилар. Албатта, бу маълумотлар афсонавий характерга эга. Шундай бўлсада, Х.Дониёровнинг: “Қатағонлар мўғул деб аталган турк қабилалари таркибида бўлган” (Дониёров: 1968, 11), - деган фикрини яна бир бор эслатиб ўтиш жоиздир.

Ўрта аср манбаларидан бир Махмуд ибн Валининг “Баҳр-ул-асрор” (“Сирлар денгизи”) номли қомусий асарининг биринчи қисмида келтирилган маълумотлар тарихчилар, этнографлар ва география соҳалари учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Асарда Бухоро ва Балх хонликларининг XVII аср биринчи ярми тарихига оид маълумотлар келтирилган ва ушбу давлатлар ўрамида кўчиб юрган элликдан ортиқ қабилалар (дўрмон, арғин, баҳрин, қирқ, осс, уйшун, қатағон, қалмоқ, қўшчи, жалойир)нинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўйнаган ролини кўрсатувчи маълумотлар берилган. Бу асарда Бухоро хонлигининг жанубий қисмида яшаган қатағонларнинг аждодлари Балх вилоятидан бўлганлиги айтилади.

Шу давр манбаларидан Хожа Самандар Термизийнинг “Дастур-ал-мулук” асари, Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Муқимхон тарихи” ва Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдулланома” асарида қатағонлар ва уларнинг Бухоро хонликдаги ижтимоий-сиёсий мавқеи ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Ўзбек уруғлари ичида – Бекзод лақабини олган нуфузли оқсуяк уруғлар бор. Булар хонларнинг тахтга чиқиши ва мамлакатни бошқаришда фаол иштирок этганлар. Булар Хива хонлигида қиёт-қўнғирот, уйғур-найман, қанғли-қипчоқ, Бухоро хонлигида эса Субҳонқулихон даврида, Самарқандда Ялангтўшбий, Балхда Маҳмудбий қатағон ва Қаршида манғит Муҳаммад Ҳакимбий қўшбеги хонликда катта куч ва мавқега эга бўлган.

Хўш бу уруғларнинг, айниқса, қатағонларнинг Балх, Қундуз ва Бадахшонда бу даражада юқори ўрин тутишига сабаб нима? Нима сабабдан айнан бу ҳудуд қатағонлар юрти бўлган? Бу ерда қатағонлар шу даражада кўп

сонли эдими ёки кейинчалик бу ҳудудга келиб қолганми? Шу каби мунозараларга бир қадар аниқлик киритиш мақсадида ушбу масалага тааллуқли бўлган бир нечта асарни ўзаро таққослаймиз.

Шу ўринда Бурхониддин-хон-Кушкекининг "илгари Қатағон провинцияси Қундуз таркибида бўлган. Қатағон номини олган қабила қандайдир сабаб билан амирдан норози бўлганлар ва Самарқандни Даҳбид деган жойидан кўчирилади. Улар Ҳисор тоғларида Даштнобод деган жойда бирлашадилар ва Бекмуродхонни ўзларига бошлиқ қилиб сайлайдилар ва Қундуз сари юриш қиладилар. Бу ерда Бекмуродхон хон, оқсоқол ва мартабали кишилар билан биргаликда ақл билан сиёсат юритди. Охир-оқибатда Қундуз ҳукумати суриб чиқарилди ва уни жойини Бекмуродхон эгаллади. Аста-секин унга Талеқан, Имом Соҳиб Гулфегин, Хост ва фаранг бўйсинди.

Бир йил ўтгач, Бекмуродхон Кўлоб томонга ўзининг қўшинини жўнатиб, уни эгаллади ва ўғлини (1698-1699) ҳокимликка тайинлади. Бекмуродхон 1698–1699 йилларда вафот этади. Ўрнини Махмуд оталиқ эгаллади". Бошқа бир муаллиф А.Д.Гребенкиннинг "Рус Туркистони" тўпламига кирган "Ўзбеклар" мақоласининг бош қисмида қатағонлар ҳақида шундай дейди: "Қатағонларнинг ривоятича, Қундуз уларнинг илгариги яшаш жойи сифатида кўрсатилади. Қундузда Абдулазизхон даврида қатағонларнинг бошлиғи Назарбек ўзининг кўп қабиладошлари билан хон қўшинларига қўшилишни истади, барча ўзининг яқинлари, аёллар, болалар Ҳисор ва Шаҳрисабз ўлкалари орқали Самарқандга кетдилар. Самарқандгача қатағон қабилаларининг фақат бир уруғи етиб келди. Шаҳрисабз ўлкасида тос (тоз) қатағон, Ҳисорда эса Мунос қатағон қолди. Ҳаммаси бўлиб уруғларни уч бўлими келган" (Гребенкин: 1893, 51-110). Бизга маълумки, Бухоро хонлигида Балх нотинч ва беқарор вилоятлардан бир бўлиб, уни кўпинча ворис шаҳзодалар бошқарар эдилар. Шаҳзодаларнинг тахт талашишлари туфайли беқарор вазият вужудга келар эдики, кўпгина уруғ ва қабилалар нисбатан осойишта ҳудудларга келиб жойлашар эдилар.

Қатағонларнинг келиб чиқиши махсус ўрганилмаган бўлса-да, улар ҳақида қатор илмий адабиётлар мавжуд. Бу адабиётлар умумий характерга эга бўлиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудларида тарқалган қатағонлар ҳақида маълумотлар беради (Материалы по районировании..: I–II ч., 1926). Шунингдек, Б. Кармишева кўп йиллик тарихий-этнографик изланишлари натижасида кўп уруғ ва қабилалар билан биргаликда қатағонларнинг этник тарихи ва тарқалиши ҳақида илмий тадқиқотларни баён қилади (Кармышева: 1976, 238).

Шу ўринда қозоғистонлик тадқиқотчи Т.И.Султоновнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиз. Тадқиқотчи форс, тожик ва турк манбалари асосида XV асрда ўзбек улуси аҳолисининг уруғ-қабилавий таркиби ва XVI аср бошларида Ўрта Осиё икки дарё оралиғида Дашти қипчоқнинг шарқий қисмидан келган кўчманчи қабилалар таъсирида қозоқ хонлари этник таркибидаги ўзгаришларни кўрсатиб беради. Т.И.Султонов ўзбек улуси 92 қабилалари рўйхатининг бир неча нусхаларини келтириб, ўзаро таққослайди ва шундай хулосага келади: "Рўйхатдаги у ёки бу қабилаларнинг номларини тартиб билан ёзилиши тасодифий ҳол эмас, балки чуқур мантиққа эга, кўпгина сиёсий омилларга ва у қаерда ташкил топган бўлса, жойлардаги сиёсий ҳаётда бу қабиланинг роли бунга боғлиқ равишда акс этади".

Буни С.М.Абрамзон томонидан тузилган 92 қабила рўйхатида қатағонлар биринчи ўринда қўйилганлиги масаласида Т.И. Султанов: “Агар тартиб рақами шу қабиланинг мавқеини белгилаб берса, қонуният бўйича унинг номи билан кетма-кет ўринда турган қабила билан генетик алоқасини ва бир уруғдан чиққанлигини билдиради” – деб ўз фикрини билдиради (Султонов: 1982, 47). Шунингдек, қатағонлар Ўзбекистон ФА ШИ қўлёзмаси ва “Тухфат-ут-таворихи-хон”да 52 ўринда ва Хорошхин рўйхатида 18 ўринда туради (Султонов: 1982).

Бизга маълумки, турли қабила ва элатлар ижтимоий-тарихий воқеалар туфайли бир ҳududдан иккинчи ҳудудларга кўчиб юрганлар. Қатағонлар ҳам Шимолий Афғонистон, Мовароуннахр ва Ўрта Осиёнинг кўпгина ҳудулари бўйлаб, турли даврларда ижтимоий-тарихий омиллар сабабли кўчиб юрганлар. Масалан, XVII асрларда қатағонлар Балх вилояти (Қундуз)да Мовароуннаҳр ва Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларидан келган қабиладошлари ҳисобига кучли ва сиёсий жихатдан уюшган қабилалардан бирига айланади ва аксинча, маълум тарихий омиллар туфайли бу ердан Мовароуннаҳрнинг бошқа ҳудудларига тарқалганлар. Шу ижтимоий-тарихий жараёнлар туфайли қатағонлар Ўрта Осиёнинг турли халқ ва элатлари – қозоқ, қирғиз ва бошқалар билан этник алоқада бўлганлар.

Хўш нима учун қатағонлар қозоқ халқи таркибида учрамайди. Қатағонларни қозоқ халқи таркибида йўқ бўлиб кетиш сабабларини Н.Аристов шундан кўрадики, Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида қангли ва чанишикли қабилаларининг турли уруғлари қатағонларнинг обрўли беклари ҳимоясида ва бошчилигида пайдо бўлган. Ишимхоннинг қувғин қилиши натижасида эса уларнинг инқирозга юз тутиши ва бошқа сабаблар билан алоҳида бир қисми қозоқ қабилалари таркибига кириб, сингиб кетган. Бошқа бир қисми эса Мовароуннаҳр ҳудудларига кетди ва ўзбеклар таркибига қўшилиб кетган. Шу каби қозоқ халқи таркибига сингиб кетган қатағонлар ҳақида Тошкент вилояти Қибрай тумани ҳудудларида яшайдиган қозоқларнинг айрылмас уруғи таркибида қатаған уруғи бор ва улар қуйидаги шымиршык, айрылмас батир, Ерназар батыр ва шанышикли каби кичик уруғларга бўлиниши сақлаб қолган. Бу маълумотлар қатағонларнинг қозоқлар таркибида ҳам бўлганлигини тасдиқлайди. Қозоқ халқи таркибида ҳам Дашти қипчоқдаги ўзбек уруғлари компонент сифатида қўшилган ва ассимиляция бўлиб кетган.

Аммо Б. Кармишева ўз тадқиқотларида қатағонлар қозоқларнинг шажараси билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган деган хулосага келади. Ҳақиқатдан ҳам бу ном қангли ва чанишиклиларнинг бир неча уруғ бошлиқлари номи сифатида шаклланган, аммо қизиғи шундаки, қозоқлардаги ривоятга қараганда қатағон уларда “уруғсиз одам” аталиб, қозоқларни уйсун қабиласи уруғ бошлиғи уни ўғил қилиб олган экан. Эътиборга лойиқ тарафи шундаки, кўпгина тадқиқотларда чанишиклилар қатағонлар билан бир қаторда қўйилади. Айрим шажараларда бегона, номаълум халқ деб қозоқ қабиласи – қанглиларга қўшиб ҳисобланади.

Тарихий ривоятлар бўйича қатағонлар қадимги қирғиз қабилалардан бири ҳам бўлган. Қирғиз халқ эпоси “Манас”да ҳикоя қилинишича, қатағонлар қирғизларнинг нафақат қирқ асосий қабиласи бўлиб чиққан, балки улар ичида бош қабила бўлиб ҳисобланган. “Манас”дан олинган қуйидаги мисра бундан далолат беради:

Башки уруғу қатағон,
Қирғиздан чигип ушул эл.
Барида бир атадан (Кармышева: 1976, 242).

XX аср бошларида қатағонлар қирғизлар орасида алоҳида бўлмаган. Бу номни Тян-шанда тарқалган чекир-саяк қабиласи таркибидаги кам сонли бўлган гуруҳи олиб келган. Қатағонлар халқ анъаналари қадимги қатағон қабиласи билан чекир-саякларни тўғридан-тўғри боғламайди. Қирғизларда бир ривоят бор, яъни Турсунхон қизининг авлодлари қатағон бўлиб, у қирғизларнинг чекир-саякига турмушга чиққан. Шу асосида қирғиз халқ афсоналарида Тян- шан қатағонлари асл қатағонлар эмас, балки Шарқий Туркистоннинг Кебезтов деган жойига Ишимхон томонидан қувғин қилинган қатағонларнинг "жиян"лари бўлади. Асосий тарафи шундаки, Шарқий Туркистонда Кебезтов ёнбағрида (Тошқўрғондан жанубда) 2 мингга яқин қирғиз-қатағон оиласи бор ва уларнинг аждодлари Тян-Шандан келганлиги ҳақидаги ноаниқ ривоятлар сақланиб қолган.

Ўзбек қатағонларининг қирғизлар билан боғлиқлигига оид мавзу алоҳида махсус илмий текширишга муҳтож. Биз бу маълумотларимизни фақат тарихий-этнографик ва жуда оз миқдорда илмий-тадқиқотларга таяниб, қисқа умумлашма тарзда ўз фикримизни билдирдик

Унинг таркибидаги кичик этнонимларни қозоқлар, қирғизлар ва бошқа туркий халқлар таркибида кўплаб учратиш мумкин. И.Магидович XIX асрнинг 90-йиллардаги архив материалларига асосланиб, қатағонларнинг қуйидаги уруғлари ҳақида маълумот беради: тиз (чаз), чичка (махаллий талаффузда - чечка), тугалан, мардот, қияқ, чавчи ва тўхтамиш. Аммо тадқиқочилар қатағонларни уруғлари таркиби ҳақида тўлиқ маълумот олиш, тўлиқ генеологик жадвалини тузишга эриша олмади. Чунки кўп уруғлар номи, асосан уларнинг бўлимлари унутилган эди. 1949 йилда ўтказилган Кўлоб этнографик ва археологик экспедицияларида қатағонларнинг 14 уруғи ва улардан 9 та бўлинмаларини аниқлаш имконияти бўлган. Агар лақай, кесамвир, семиз (бу уч қабила XIX асрда ўзини қатағонларнинг бўлими деб ҳисоблаганлар) кабиларни уруғ шажарасига оид материалларни кўрадиган бўлсак, XIX асрда ўзбек қабила ва уруғларининг кўплари ўзларини қатағонлар деб ҳисоблаганлар. А.Гребенкин қатағонларни Мовароуннахр ҳудудларида тарқалган айрим бўлимларни кўрсатиб ўтади. "Самарқандгача фақат қатағонларнинг оқ-чурагаси бўлими етиб келди, Шахрисабз ҳокимлигида тас-қатағон қолди, Ҳисорда эса Мунос қатағон қолди" (Гребенкин: 1972, 51).

Қатағонларда бир неча ўзбек қабилалари каби қариндош-уруғ уюшмалари ва гуруҳлари бор. Жанқатаған, чечка, тугул ва полвон уруғлари бир қариндош уруғлар, темаз чорак ва мардод бошқа қариндош уруғлар ҳисобланади. Бу қариндошлар ичида жуфт уруғлар чечка-тугул, бурка-темаз, чорак-мардад ва бошқалар. Жуфт уруғлар одатдагидек қўшничиликда яшаган.

Шунингдек, XIX аср бошларида Мир Иззатуллоҳ тарафидан Афғонистон ўзбекларининг уруғлари тартиб этилган. Унинг ёзишича: "Қундузда тамоман қатағон, Бадахшонда эшкамиш ва қатағонларнинг бурга ҳамда тимиш номли аймоқлари яшайдилар.Маълумки,туркий халқларнинг қорлуқ-чиғил, қипчоқ ва ўғуз сингари йирик қатламлари ўзбек, қозоқ, қирғиз ва туркман халқларининг этник шаклланишида асосий компонент сифатида катта аҳамиятга эга бўлганлар. Барча туркий халқлар мана шу бош уруғлардан тарқаб, сўнг кичик уруғ ва

шажараларга бўлиниб кетадилар. Масалан, қозоқларда катта жуз, ўрта жуз, кичик жуз бўлиб, айни пайтда улар ҳам кичик уруғларга бўлиниб кетган. Шунингдек, қатағонлар ҳам ўзининг уруғларга бўлинишини сақлаб қолган.

Қозоғистон Республикасининг Қарноқ қишлоғи сунъий суғоришга асосланган қадимий ўтроқ аҳоли маскани бўлиб, туркий халқларнинг ўзаро этник маданий муносабатларида ўзига хос "этномулоқот" минтақаси бўлиб хизмат қилган.

**АДАБИЕТЛАР**


Абдулғозий (1992) *Шажарайи турк*. Т.: Б. 45. Мухаммад Юсуф Мунши. *Муким-ханская история* (1956). Пер. с тадж. Т.; Махмуд ибн Вали (1977) *Море тайн*. Т.

Амиров С. *Қарноқ тарихи*. Б. 107-111.; Зиёев А.А. *Тарих зарварақлари остида яширинган ҳақиқат*. (қўлёзма нусхаси).

Азизов О. (2011) *Тарих тилга кирганда ёхуд Қатағон авлодининг тарихи*. Кентау , Б. 33.

Арандаренко Г.А. (1889) *Село кишлак Карнак*// Досуги в Туркестан. 1874 – 1889. СПб, С. 145.

Бурхон-уд-Дин-хан-и-Кушкеки. *Каттаган и Бадахшан* (1926) Пер. с перс. Т.; Гре-бенкин А.Д. (1872) *Узбеки* // Сборник Русский Туркестан. Вып. II.; Маев Н.А. (1879) Валиханов Ч.Ч. (1961) *Предания и легенды Большой киргиз-кайсацской Орды*… С. 667.*Очерки горных бекств Бухарского ханства.* // Материалы для статис. Туркестанского края. Ежегодник, Вып. V. СПб.

Гребенкин А.Д. (1873) *Узбеки.* / Русский Туркестан. Сборник. М.:– С. 51-110.Рашид-ад-дин (1932) *Сборник летописей*, Т.I. II, кн. 1-2, М-Л.

Дониёров Х. (1968) *Ўзбек халқининг шажара ва шевалари*. - Тошкент.

Кармышева Б.Х. (1976) *Очерки этнической историиюжных районов Таджикистана и Узбекистана*. - М., Наука. - С. 238.

*Материалы по районированию Средней Азии*, кн. 1, 2. *Территория и население Бухары и Хорезма*, ч.1. Бухара; ч.2. Хорезм. Т.: 1926. Валиханов Ч.Ч. (1961) *Предания и легенды Большой киргиз-кайсацкой Орды.* - Собрание сочинений в пяти томах, Т.1 Алма-Ата, С. 667;

Кармышева Б.Х. (1976) *Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана.* М.: С. 238-246; Губаева С.С. (1991) *Население Ферганской долины в конце XIX - начале XX вв.:* (этнокультур.процессы). Т.:

Султонов Т.И. (1982) *Кочевые племена Приаралья в XV–XVII вв.* - М., Наука. - С.47

## КӨРНЕКТІ ТҮРІКТАНУШЫ ПРОФЕССОР БЕЙСЕМБАЙ КЕНЖЕБАЙҰЛЫНЫҢ ТУҒАНЫНА 110 ЖЫЛ

# ҚАЗАҚТЫҢ ДАРА ҒАЛЫМЫ/ INDIVIDUAL SCIENTIST OF KAZAKHS

А.С. ЕСПЕНБЕТОВ*



**Түйіндеме**

Мақалада қазақ әдебиеттану ғылымында әдебиет тарихын түркі халықтарының бәріне ортақ дәуірден бастаудың негізін салып, орнықтырған профессор Бейсенбай Кенжебаевтың шығармашылық жолына шолу жасалған. Тарихи мәні зор еңбек жасаған тұлғалардың орны бөлек. Осы тұрғыдан қарағанда қазақ әдебиеттану ғылымының даму, қалыптасу, өркендеу тарихына көз жіберсек, өміршең ойдың, өрісті идеяның жарқын бір үлгісі профессор Б.Кенженбаевтың ғылыми мұрасында жатқаны шындық. Мақала авторы дара тұлға Б.Кенжебаевтың әдебиет тарихшысы ретіндегі ұлан-ғайыр еңбегіне арнайы тоқталады.

**Кілт сөздер**: ғылыми мұра, дара тұлға, қазақ әдебиеттану ғылымы.

---

* филология ғылымдарының докторы, профессор. Алматы / Doctor of Philology, professor. Almaty.